O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 38 (545) 2007 йил 11 сентябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУСТАҚИЛЛИК 16 ЙИЛ

Муносабат

Улуғ йўллар сабоғи

Давлатимиз раҳбарининг ҳаёт ҳақиқатига, халқ иродасига таяниб, узоқни кўзлаб айтган ҳар бир сўзи доим юртдошларимизда юксак ишонч, умид уйғотган, юрагига шижоат солган. Шу сабабли Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини юксалиш ва бунёдкорлик каби улуғ йўлларни босиб ўтган халқимиз руҳан тетик бир кайфиятда тинглади, десак муболаға қилмаймиз.

Ўн олти йиллик залворли тарихимизни варақлаб, уни саҳифоб қиларкан, Президентимиз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида ҳар бир соҳада амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аниқ ва ёрқин ифодалаб кўрсатди. Давр ичидаги даврларни теран таҳлил этиб берганлари ҳар бир киши, айниқса, зиёлиларни сергакликка тортди. Тарих учун ғоят қисқа, лекин буюк ўзгаришларга гувоҳ бўлган оламшумул бу йиллар сарҳисоби, кўз олдимизда кечган жонли тарих, балки бир қадар хотиржам тортган кишиларимиз шуурини уйғотиб юборди.

Маълумки, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган эди. Президентимиз ушбу сессияда **"Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқароларнинг осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади"**, деб таъкидлаган эдилар. Эътироф этиш лозимки, бу икки эгизак лутф замирида том маънода инсоннинг қадр-қиммати ва фаровонлиги ётади.

Дарҳақиқат, ўн олти йиллик қисқа бир давр ичида мамлакатимиз ҳар жиҳатдан юксалди. Барча ислоҳотлар инсонни улуғлашга, қадр-қимматини оширишга, манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида бошлаб юборилган ислоҳотларнинг тўла-тўкис мазмун-моҳияти инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилди.

Ана шундай эзгу мақсадлар билан қабул қилинган, инсонийлик ва эзгулик тамойилларини ўзида мужассам этган Конституциямиз мамлакатда адолат ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш истиқболларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги 370-сонли қарори билан Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг ташкил этилиши бу борадаги ислоҳотларнинг давоми бўлди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институти тарихасида, айниқса, одил судлов тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вужудга келди.

Судлар ихтисослаштирилди, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд процессида айблов билан ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, инсонларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ва айбсизлик презумпциясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартишлар киритилиб, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Юртбошимизнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан қуйидаги сўзларни ёдга олайлик: **"Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала, бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир"**, ёки **"Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён. Шу муносабат билан прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги замоннинг мантиқий талабидир. Ва бу энг аввало инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини чеклаш билан алоқадор масалаларга тегишлидир"**.

Бундай илғор қарашларнинг ижроси жуда тезкорлик билан ҳаётга татбиқ этила бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги ҳамда 8 августдаги **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармонларининг қабул қилиниши жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик тамойили сифатида эътироф этишимиз лозим бўлган улкан воқеа бўлди.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши жаҳон ҳамжамияти ва халқимиз томонидан ижобий кутиб олинди. Шу ҳақда фикр юритиб, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят учун тайинланиши, хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан бундай жазо тайинланмаслигини қайд қиларкан, Юртбошимиз «**Ўзбекистонда юқорида қайд этилган жиноий жазо чораларининг жорий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонпарвар ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди**», дея ҳақли равишда эътироф этдилар.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий омили сифатида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, айниқса, соҳа ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилди. Қонунларни билиш ва уларга қатъий риоя этиш – инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, унинг қадр-қимматини жойига қўйиш, демакдир. Зеро, Президентимизнинг "**Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш – ҳуқуқий давлатнинг қарор топишида муҳим йўналишдир**", деган фикрлари биз учун дастуриламал бўлмоғи лозим.

Бугун дунёга юз тутган мустақил мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, обрўсига эга. Азиз халқимизнинг озод ва обод Ватани бор ва у ўзини ҳимоя қилишга қодир. Давлатимиз раҳбарининг «**Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли**» маърузаси неча-неча довонлардан беталофат ошиб, равон йўлга чиққан карвонни ортга бир назар ташлашга, ҳар жабҳада қанча машаққатлар билан эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга, озод юртимиз, осойишта кунларимиз қадрига етишга ундади. Шу билан бирга озод халқ ва мустақил мамлакатнинг куч-қудратини, нималарга қодирлигини яна бир бор намоён қилди. Бу ёрқин ва қудратли сўзлар янада ойдин ва фаровон йўлларга чорлаётир.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Она юрт маҳсулоти

Инсон ҳаёти. Инсон ҳуқуқи. Инсон фаолияти... Булар жамиятимиздаги бир-бири билан боғлиқ, узвий тушунчалар... Уларни Инсон манфаати деган узилмас ришта боғлаб туради.

Иқтисодий тараққиёт эса Инсон манфаати улуғланишининг муҳим мезони.

Бугун турли хил услуб ва шаклларда ишлаб чиқарилаётган, хонадонларимиз файзи, кўрки, безаги бўлган хушчирой гиламлар нафақат юртимиз, балки хориж бозорларида ҳам харидоргир.

Ўз ишидан мамнун Барнохон БЎРИЕВА Жиззах шаҳридаги «Евразия Карпет» қўшма корхонаси 2-филиалида оператор бўлиб ишлайди.

Фотомухбиримиз Бахтиёр АКРОМОВга: — Филиалимизда бир кунда 1000 м² да ҳар хил турдаги сифатли гиламлар тайёрланишида менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман, — дейди у.

Adliya yordam berdi

ҚОНУНИЙЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ, КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Президентимиз томонидан «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида»ги бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу қарор ва Фармойишларнинг жойлардаги ижроси юзасидан назоратни таъминлаш мақсадида Андижон вилоят адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2007 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида самарали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларидан 82 та ариза-шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 71 таси мазмунан кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Масалан, Шаҳрихон шаҳри Абдулла Қаҳҳор кўчаси 9-уйда яшовчи якка тартибдаги тадбиркор А.Зиёев ариза билан мурожаат этиб, СВОЖЖДЛҚК Департаменти Шаҳрихон туман бўлими ходимлари томонидан савдо дўконида ўтказилган текширишдан норози эканлигини билдирган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан 2007 йил 4 май куни Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Шаҳрихон туман бўлимининг буйруғи ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан даъво ариза киритилиб, Андижон вилоят Хўжалик суди томонидан буйруқ ҳақиқий эмас деб топилди.

Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб Андижон вилоят хўжалик судига 66 та даъво аризаси киритилди. Шунга асосан 94.486.222 сўм пул маблағлари тадбиркорлик субъектлари фойдасига ундириб берилди.

Масалан, адлия бошқармасининг иш режасига асосан Марҳамат туман Давлат солиқ инспекциясида ўтказилган ўрганишлар давомида Давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектларидан 578.303 сўм ортиқча пул маблағлари ундирилганлиги ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан Андижон вилоят хўжалик судига даъво аризалар киритилиб, ортиқча ундирилган пул маблағларини ўз эгасига қайтарилишига эришилди.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг иш режасига асосан туман ва шаҳарларда ўтказилган ўрганишлар натижасида 600 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан 73 та тақдимнома киритилиб, 93 нафар мансабдор шахслар нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 3 нафар мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 5 нафар мансабдор шахслар эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Масалан, бўлим томонидан иш режага асосан ТИФ «Миллийбанк» Пахтаобод филиалида ўтказилган ўрганишлар давомида банк мижозларига уларнинг талабларига асосан нақд пул маблағлари ажратишда қонунда белгиланган муддатлар бузилаётганлиги ҳолатлари аниқланди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан ТИФ «Миллийбанк» Пахтаобод филиали бош ҳисобчиси Х.Баҳриддиновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида маъмурий жарима ундирилди.

Ҳаётбек АКБАРОВ,
Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ,
Андижон вилояти Адлия бошқармаси ходимлари

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Фуқаро Т.Маҳмудованинг турмуш ўртоғи Р.Маҳмудовнинг ўлимида айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилмаётганлиги ҳақидаги «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига йўллаган аризаси Бош Прокуратура томонидан жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2007 йил 12 июль куни Каттақўрғон тумани, Қўшҳовуз маҳалласи, Қирқовул қишлоғида яшовчи Бўриев Камолиддиннинг уйидаги оғилхонада Маҳмудов Равшаннинг жасади топилган ва унда қотиллик аломатлари мавжуд бўлган.

Мазкур ҳолат юзасидан Каттақўрғон туман прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

2007 йил 16 июль куни ушбу жиноят иши бўйича фуқаролар Ўктам, Бекзод ҳамда Камолиддин Бўриевлар Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «ж,п» бандлари билан айбланиб, уларга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилиб, қамоққа олинган.

Мазкур жиноят иши Бош Прокуратура томонидан ўрганилиб, бир қатор муҳим тергов ва тезкор ҳаракатларни ўтказишга қаратилган кўрсатма билан тергов ҳаракатларини давом эттириш учун Самарқанд вилоят прокуратурасига юборилди.

О.НАБИЕВ,
Прокуратура органларида терговни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

ИЖРО ТАЪМИНЛАНДИ

Вилоят прокуратураси томонидан «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасида чоп этилган «**Ўғлим уйдан ҳайдади**» сарлавҳали мақола юзасидан текшириш ўтказилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2004 йилдаги 713-сонли жавобгар Хосият Собировани оила аъзолари билан бирга Қува тумани, С.Айний кўчаси 5-уйдан мажбурий тартибда бошқа уй-жой бермасдан кўчириш ҳақидаги ижро ҳужжати Судлар Департаментининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасига 2005 йил 7 майда келиб тушган. Шу куни ижро иши юритуви қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинган. 2005 йил 11 май куни мажбурий ижро ҳаракатлари амалга оширилган. Бу ҳақда холислар иштирокида далолатнома расмийлаштирилиб, даъвогар Ж.Абдулхоновдан ижро тўлиқ таъминланганлиги сабабли ижро ҳамда юритуви 2005 йил 12 май куни тамомланиб, ишга тикишлик учун фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига қайтарилган.

Шунингдек, ҳолат бўйича Ж.Абдулхоновдан тушунтириш хати олинганида, у ижрочилар ижрони тўлиқ таъминлаб уйини олиб беришганлиги, ҳозирда уй ўзининг ихтиёрида турганлигини, ўғли Ш.Абдулхоновнинг қўпол муносабатидан норози эканлиги, бу ҳақда Қува туман ИИБга ариза билан мурожаат қилганлиги ва ИИБ томонидан аризаси текширилаётганлигини маълум қилган.

М.Курбонов,
Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Maktub

Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят!

Юрагимга сиғмаётган қувончни сизлар билан баҳам кўрсам, дейман. Мактубимни газетангиз саҳифасида ёритасиз, деган умиддаман!

Ҳар йили 1 сентябрни зўр ҳаяжон билан кутаман. Чунки мактабдошларимни соғинаман, муҳими, 1 сентябрь жуда катта байрам. Ўзгача байрам. Мустақиллигимизнинг шодиёнаси. Бу йил ҳам Ватанимизнинг 16 йиллиқ муборак санасини катта тантана билан нишонладик. Мен бу йил 16 ёшни қаршиладим. 16 йиллик давр барча тенгдошларим каби менга ҳам хат-саводни, илму фан ва дунёни танитган давр бўлди.

Биринчи синфга борган дастлабки кунни ҳеч қачон унутмайман. Устозимиз бизга Президент совғаларини топшираётиб, «Сизлар Истиқлолнинг ўғил-қизларисизлар. Ҳар қачон мустақиллик фарзандлари бўлиб қолинг», дея таъкидлаган эдилар. Назаримда, бу сўзлар мазмунини йиллар ўтиб чуқурроқ англаётгандайман. Бугун аждодларимнинг нақадар буюклиги, халқимнинг улуғлигини янада теранроқ ҳис этмоқдаман. Айниқса, Ўзбекистон фуқаролиги паспортини олганимда, севинчим дунёга сиғмади, десам ишонинг. Мустақил Ватан муҳаббатини ҳис этиб яшашдек бахт сурури менга яна бир кўз юмиб бўлмас ҳақиқат — Истиқлол, Ватан олдидаги шарафли масъулиятни танитди. Мен бу йил ўзим орзу қилган ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга кирдим. Демакки, элу юртим

олдидаги масъулиятни адо этишдек улкан мақсадим сари яна бир қадам ташладим. Бу қадам мустақиллик сўзидек қутлуғ, мустаҳкам, ўз йўлидан тоймайдиган бўлишига астойдил ишонаман.

Наргиза НАЗАРОВА,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси

Tadbir

«Энг яхши нотариус»

танлови ғолиби аниқланди

"Республика Адлия ва суд идоралари ходимлари кўрик танлови тўғрисида"ги Низомга асосан Навоий вилоят адлия бошқармасида ўтказилган "Энг яхши нотариус" танлови ғолибини аниқлашда иштирокчиларнинг иш фаолияти билан бир қаторда, ижтимоий ҳимоя масаласи ҳам тадбирнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланди. Бу бежиз эмас, албатта.



Дарҳақиқат, ижтимоий ҳимоя – кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатимизнинг устувор вазифаларидан бири эканлиги барчамизга маълум.

Жойларда амалга оширилаётган бир-биридан салмоқли ва сермазмун тадбирлар, саховат ва инсонпарварлик ёрдамлари бунга яққол мисол бўла олади.

Биргина вилоят адлия тизими идоралари амалга оширган ишларга эътибор қилсак, уларнинг ана шу хайрли ташаббуслари кўпчиликка манзур бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"га беминнат ёрдам кўрсатишни ўзларининг инсоний бурчи деб билган жамоа Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида болажонларга салкам ярим миллион сўмлик музлатгич совға қилишди. Турли спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва ширинликлар ҳам болаларга байрам совғаси бўлди.

Бундан ташқари, бошқарманинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган ҳуқуқий тарғибот масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини кенг тарғиб қилиш борасида ҳам етарли тажриба тўплаган идора маъмурияти вилоят Ахборот-кутубхона маркази билан янгича ҳамкорлик асосида бу борадаги тажрибани бойитдилар. Жумладан, Ахборот-кутубхона марказини салкам 3,5 миллион сўмлик ҳуқуқий адабиётлар билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилди.

Бошқарма саъй-ҳаракати билан ўтказилган яна бир хайрли тадбир якунланиб, вилоятнинг "Энг яхши нотариуси" аниқланди.

Танловда иштирок этган ҳар бир нотариуснинг ўтган давр мобайнидаги иш фаолияти акс эттирилган фотоальбомлар, улар томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар, ундирилган давлат божи ва пуллик хизматлар, ўтказилган умумлаштиришлар, тақдимномалар, амалий ёрдам кўрсатиш, ижро ва меҳнат интизоми, гербли бланкаларнинг сақланиш ва сарфланиши, судда бекор қилинган нотариал ҳаракатлар, аҳоли ўртасида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот ишлари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилган ҳомийлик ёрдамларига эътибор қаратилди.

"Энг яхши нотариус" танлови ғолиби деган шарафли номга Зарафшон шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурлан Каримов сазовор бўлди. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида нотариал ҳаракатларни ўз вақтида қонун талаби асосида расмийлаштириш, идорада иш юритишни намунали ташкил этиш билан бир қаторда ўтган 2006 йилда салкам бир миллион сўм, жорий йилда эса 1,3 миллион сўм миқдорида кам таъминланган, ҳимояга муҳтож оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатганлиги алоҳида эътироф этилди. Бундан ташқари, Н.Каримов кам таъминланган оилалар фарзандларидан ўқишга шартнома тўлови асосида қабул қилинган 5 нафарига ҳомийлик қилганлиги ҳам Ижтимоий ҳимоя йили Дастури тадбирлари Қизилқумнинг олис хонадонларига ҳам ёруғлик олиб кирганлигини исботлаб турибди.

Шунингдек, Навоий шаҳар хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар — Раъно Мерганова — "Нотариуслар устозларининг устози", Матлуба Жумаева — "Энг яхши нотариус аёл", Жамила Расулова — "Ижро интизоми энг яхши йўлга қўйилган нотариал идора" ҳамда Навоий шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси катта давлат нотариуси Мамат Зоиров — "Нотариус — тадбиркорнинг ҳуқуқий таянчи" номинациялари бўйича ғолиб деб топилди.

Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор Якубова топширди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil

Интизомий, маъмурий моддий жавобгарлик...

ва қонунбузилиш ҳолатлари хусусида

Маълумки, «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан мамлакатимизда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан йил бошидан буён 50 та текшириш ташкил этилди. Мазкур текширишлар натижасида жойлардаги айрим мансабдор шахсларнинг ижтимоий ҳимояни ташкил этиш борасидаги 57 та ноқонуний қарор ва ҳужжатларига протестлар келтирилиб, барчаси қонунга мувофиқлаштирилди. Аҳолига ажратилган моддий ёрдам, нафақа пулларининг ўз вақтида тўланиши ва ногирон, пенсионерлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан мансабдор шахслар номига 130 тақдимнома, прокурорлик назорат ҳужжатлари қўлланилиб, 229 нафар мансабдор шахс интизомий, 77 нафари маъмурий, 15 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Судларга мажбурий тартибда етказилган зарарни ундириш учун 4 миллион 961 минг сўмлик 31 та даъво аризалари киритилиб, содир этилган қонунбузилишлар бўйича 26 та жиноят иши қўзғатилиши таъминланди.

Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмасин учун мисолларга мурожаат қилайлик. «Ўзбекистон Почтаси» ҲЖ Қорақалпоғистон филиали алоқа тармоғи мансабдор шахслари томонидан пенсионерларнинг жами 62 миллион 295 минг сўмлик нафақалари талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов даврида зарар тўлиқ ундирилиб, пенсионерларга тарқатилиб берилди. Суд томонидан «Ўзбекистон Почтаси» ҲЖ Қорақалпоғистон филиали алоқа тармоғи собиқ бошлиғи Ж.Абдраманов ва унинг жиноий шериклари қонун доирасида жавобгарликка тортилди, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Прокуратура органлари томонидан мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ходимларга бериладиган ойлик маошни ўз манфаатлари йўлида сарфлаб, сунъий равишда иш ҳақидан қарздорликни юзага келтираётган «ўзи хон, қўланкаси майдон» мансабдор шахсларга нисбатан қонун доирасида чора кўрилмоқда.

Мана, бунга ҳаётий бир мисол: Қорақалпоғистон Республикаси пахта уруғчилик бирлашмаси бошлиғи А.Сейтмусаев ўз лавозимидан фойдаланиб, ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа бирламчи харажатлари учун ажратилган жами 14 миллион 285 минг сўмни ўзининг яқин қариндошлари номига ёзиб, иш ҳақи ведомостларини қалбакилаштириш йўли билан талон-торож қилиб, ўз манфаатларига сарфлаганлиги ҳолати юзасидан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми, 205-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов чоғидаёқ бирлашмага етказилган моддий зарар ундирилди ва мазкур жиноят иши айблов хулосаси билан суд ҳукмига ҳавола этилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, фермерлик ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади. Бироқ жойларда фермерларга ер тақсимлаб бериш жараёнида ҳам айрим қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Масалан, Беруний туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги ноқонуний қарори билан жами 44,7 гектар экин майдони қонунга хилоф равишда тақсимлаб берилгани аниқланди ва ўз вақтида келтирилган протестлар асосида экин майдонларини қайтариб олишга эришилди. Бинобарин, қайта ташкил этилган тендер асосида мазкур экин майдонлари чинақам ер эгаларига тақсимлаб берилди.

Беруний туманида 3 ҳолатда жами 44,7 гектар экин майдони қонунга хилоф тарзда тақсимлаб берилгани аниқланиб, ер ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг ноқонуний қарорлари, ўз вақтида келтирилган протестлар асосида қайтариб олинди ва ҳаққоний равишда фермерларга ажратиб берилиши таъминланди.

Хусусан, 2006 йил давомида Беруний тумани собиқ ҳокими ўринбосари З.Артыков, собиқ қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи М.Нуриев, шунингдек, ер ресурслари хизмати бўлимининг собиқ бошлиғи Н.Ўринбоевлар ўзларининг танишлари «Жамал Эшон Юсупов» фермер хўжалиги бошлиғи У.Жумабаевга 2,7 гектар ер майдонини ҳеч қандай ҳужжатсиз, тендер танлови ўтказмасдан бериб юборганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, «Абай» ширкат хўжалиги бошлиғи Н.Сейтниязов, шу ширкат хўжалигининг ер тузувчиси М.Оразов ва котиби Ж.Аришев ўзларининг танишлари «Руслан» фермер хўжалиги бошлиғи У.Абдурахмоновга 26,6 гектар, «Кенжаев Мансур» фермер хўжалиги бошлиғи С.Кенжаевга 15,4 гектар ер майдонини ҳеч қандай асоссиз, тендер танлови ўтказмасдан, ноқонуний равишда бериб юборганлари аниқланиб, мазкур ҳолат юзасидан прокурорлик муносабати билдирилиб, тендер асосида ғолиб бўлган шахсларга экин майдонлари қайта тақсимлаб берилди.

Бу чора-тадбирларни изчил тартибда амалга оширишдан кўзланган мақсадимиз аниқ: «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини янада ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашдир.

Нозим РАЙИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи, 1-даражали юрист

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизация шароитида маҳалла, овул, қишлоқ ва шаҳарча фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда ваколатларини кучайтириш масаласи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида муҳим йўналиш бўлиб қолди.

Қонун ижросига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда». Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият олиб бориши учун тегишли ҳуқуқий база яратилди.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан фуқароларимиз шаҳарчаларда, қишлоқларда, овуллар ва маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқаришга бўлган конституциявий ҳуқуқларини фуқаролар йиғинлари орқали, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ кафолатларга мувофиқ равишда амалга ошириб келмоқдалар.

ЎЗбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси Гулистон шаҳрида 2007 йил 7 сентябр куни ўтказган қўшма мажлисда **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мазкур Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан вилоятда муайян ишлар амалга оширилганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Вилоят ҳудудида жойлашган иккита шаҳарча, 75 та қишлоқ ва 272 та маҳалла (шулардан 91 таси жамоатчилик асосида иш юритмоқда) фуқаролар йиғини ўз фаолиятини «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширмоқда. Улар ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга кенг жалб этиш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, оилаларда ахиллик, меҳр-оқибат ва фаровонликни янада юқорироқ босқичга кўтариш, кам таъминланган оилаларга ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларида бош бўлмоқдалар, шунингдек, фуқаролик институтига хос бошқа бир қанча тадбирларни уюштирмоқдалар.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш йил сайин кучайиб бораётганлиги муносабати билан фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг бу масалаларини ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлинмалари, ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳар хил ўқув курслари, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар билдирдилар.

Муҳокама якунлари асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлисда сенаторлар, Олий Мажлис депутатлари, Сирдарё вилоятидаги халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ҳокимликлар, вилоят адлия, ички ишлар, прокуратура органларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

ЎзА

Sharh

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

ва уни тузиш тартиби

Олди-сотди шартномасининг ривожи унинг иқтисодий манбаи бўлган мулк билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон иқтисодиётининг тизимини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир". Конституцияга асосан жамиятда хусусий мулкнинг жорий этилиши ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан бошқа мулк шакллари билан баробар муҳофаза қилиниши бозор муносабатларининг ташкил топишига ва иқтисодий муносабатларнинг эркин ривожланишига асос солди ва бу ўз навбатида ушбу муносабатларининг ҳуқуқий шакли бўлмиш олди-сотди шартномасидан кенг кўламда фойдаланиш учун имконият яратди.

Фуқаролик кодексининг 386-моддасига кўра, **олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади**.

Мазкур модданинг мазмунига кўра бир тараф товарни сотувчи, иккинчи тараф эса ушбу товарни сотиб олувчи ҳисобланади. Асосий мақсад товарга бўлган эгалик ҳуқуқини сотувчидан харидорга ўтказишга қаратилган бўлади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун улар ўзаро мажбурият оладилар. Сотувчининг мажбурияти товарни сотиб олувчига топширишдан иборат бўлса, сотиб олувчининг мажбурияти товарни қабул қилиб олиш ҳамда унинг учун белгиланган ва келишилган пул суммаси (баҳоси)ни тўлашдан иборат.

Олди-сотди шартномаси икки томонлама шартномалар туркумига киради. Шартнома юзасидан тарафларнинг ҳар бирида муайян ҳуқуқ ва тегишли мажбурият пайдо бўлади. Олди-сотди шартномасининг баҳоси унинг ажралмас ва муҳим шарти ҳисобланади. Жумладан, маҳсулот ёки кўчмас мулкларни сотишда баҳо муҳим шарт ҳисобланса-да, фуқаролар уларни шартномавий нархидан ташқари ҳолатда белгилашга ҳаракат қилади. Аниқроқ айтганда, нотариал тасдиқлаш талаб этиладиган олди-сотди шартномаларида тўланиши лозим бўлган давлат божини камроқ тўлаш мақсадида ана шундай ноқонуний йўл тутилади. Бунинг оқибатида сотувчи томонидан белгиланган ва сотиб олувчи томонидан эса розилик берилган баҳо юзасидан мавҳумлик пайдо бўлади. Олди-сотди шартномасининг баҳоси қоида тариқасида тарафларнинг келишувига асосан белгиланади. Аммо қонунда кўрсатилган тўғридан-тўғри ҳолларда шартнома баҳосини белгилашдаги эркинлик қатъий ҳолатга эга бўлмай қолади. Одатда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб беришда ана шундай йўл тутилади. Масалан, газ, электр ва телефон хизматлари учун тўланадиган ҳақлар умумий қоида бўйича барча истеъмолчиларга бир хил нархларда тақдим этилади. Бу ҳолатда контагентни (кўпроқ истеъмолчини) шартнома баҳоси билан келишмаслиги шартномани тузишдан умуман бош тортиши мумкинлигини келтириб чиқаради.

Умумий қоидага кўра, олди-сотди шартномасининг муддати муҳим шарт ҳисобланмайди. Аммо маҳсулот етказиб бериш ёки кредитга маҳсулот сотиш шартномаларида тўлов муддатини кечиктириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шунингдек, олди-сотди шартномасининг шакли унинг предмети, субъектлари, тизими ва баҳоси билан баҳоланади. Кўчмас мулклар билан боғлиқ барча шартномалар уларнинг ҳақиқий эмаслигидан сақланиш масаласи тарафлар томонидан имзоланадиган бир ҳужжат шаклида ёзма тарзда тузилади ва албатта, давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб этилади. Кўчар мулклар билан боғлиқ олди-сотди шартномалари умумий қоида бўйича тузилиши мумкин. Агар тарафлардан бири юридик шахс бўлса ёки шартнома энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ қийматга эга маҳсулотлар юзасидан тузилаётган бўлса, у ҳолда шартнома ёзма шаклда тузилиши талаб этилади.

Феруза АШИРҚУЛОВА,
ҳуқуқшунос

Haqiqat sinmaydi!

"САРСОН" БЎЛГАН...

Аҳмоқлар умр бўйи сарсон бўлиб яшайдилар ва бунга ҳайрон қолишнинг мутлақо ҳожати йўқ, чунки уларнинг ўлчов бирликлари кўпчиликникига, жамоатникига ўхшамайди, бунинг учун улар ўзларидан ўпкаласинлар. Баъзан туппа-тузук, эсли-ҳушли одамлар сарсон бўладилар улар ақлли, кўрпасига қараб оёқ узатганлари учун «йўли»ни топиб, оворагарчилик, яъни сарсонгарчиликка тезгина барҳам берадилар — аввал илтимос қиладилар, сўнг шундоқ ҳам мойланаверганидан туси билинмай кетган ошиқ-мошиқларга ёғнинг тозасидан суркайдилар, қарабсизки, олам гулистон, машиналарнинг шовқин-сурони ҳам қулоғингизга мусиқа бўлиб қуюлади. Аммо ернинг, аниқроғи, минг гектарлик катта яйловнинг қаерга борарини билмай, оворои сарсон бўлганини, бундай бемаъни оворагарчиликлардан олти ойда ҳатто сочлари оқариб кетганини кўрганмисиз, ҳеч бўлмаганда эшитганмисиз? Бўлмаса, кўрган одамдан эшитинг — биз айтамиз-да!

Шу йилнинг бошида мамлакатимизда жудаям муҳим ижтимоий воқеа содир бўлди — миллион гектарлаб ер майдонлари фермерларга узоқ муддатга ижарага берилди ва бу оламшумул жараён танлов асосида амалга оширилди. Собиқ Салимжон Отабоев номидаги ширкат хўжалиги тасарруфидаги Сангардак тоғида жойлашган 1358 гектарлик яйлов ҳам 1-48 лойиҳа билан очиқ тендерга қўйилди.

Қайта ташкил этиш комиссиясининг таркибига ҳатто бурганинг ҳам оёғини санайдиган, зукко, билимдон, тажрибали, жамоатчилик ўртасида эътиборга сазовор мутахассислар сафарбар этилган эди. Шунинг учун талабгорларнинг ҳужжат тақдим этиш ҳаракатлари олий ўқув юртларига имтиҳон топширишдан ҳам қийин кечди. Талаб шу даражада қаттиқ бўлдики, ҳужжат топшираман деб, мураккаб вазиятга тушиб қолган деҳқонларни ҳам кўрдик.

Худди бошқа лойиҳалар сингари, 1-48 лойиҳа учун ҳам талабгорлар кўп бўлди, аммо иккинчи босқичга 79,9 балл билан Иброҳим Юсупов, 79,4 балл билан Зойиркул Шоймардонов, 79,7 балл билан Эркин Салимов, 72,8 балл билан Зойир Хўжамкулов, 55,8 балл билан Гулчеҳра Муродуллаеваларгина етиб келишди. Комиссия 79,9 балл тўплаган Иброҳим Юсуповни ўша 6 январь куни 1-48 лойиҳа танловининг ғолиби деб эълон қилди. Бу қарорни жамоатчилик кенгаши ҳам бир овоздан маъқуллади. Ҳамма, ҳатто армонда қолганлар ҳам Иброҳим Юсуповни табриклади, яйлов жудаям яхши одамнинг қўлига тушди, энг муҳими, ўзимизда қолди, шунинг ўзиям катта гап, дейишди.

Бу орада армонда қолганлар адвокатларни топиб, а р и з а - бозликка, ғолиблар эса ҳужжатларни расмийлаштиришга киришдилар. Танлов ташвишларидан толиққан Иброҳим орадан уч-тўрт кунни ўтказиб ҳокимиятга борди. 1-48 лойиҳанинг қарори етиб келмаган. Бошқа лойиҳалар келган, аммо 1-48 келмаган! Эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам 1-48 дан дарак бўлмади. Иброҳим Юсупов ҳокимият ҳовлисида кўзи тўрт бўлиб қарорни кутаверди. 19 январга келиб туман прокуратурасининг тақдимномаси билан у танловдан четлаштирилди. Ваҳоланки, танлов аллақачон бўлиб ўтган, тақдим этилган ҳужжатларни шамнинг ёруғига солиб роса текширишган эди. Прокуратура Иброҳим Юсупов комиссияга тақдим этган меҳнат дафтарчасидан ва тракторларнинг ҳужжатларидан нуқсон топибди. У қонунларни сув қилиб ичиб юборган комиссия раиси Икром Рамазоновга бориб, ҳамма ҳужжатлар қўлингизда турибди, ўзингиз ҳам ҳар қандай идора ходимига дарс берасиз, ҳужжатларни қайтадан яна кўринг, ўзингизнинг вақтингиз бўлмаса ваколатли мутахассисларни жалб қилинг, ана трактор, мана мен, текширмасдан мени четлаштирманг, бу созда мени қийнаб кўясиз. Сиз бу вазифага одамларни қуйдирсин деб эмас, ҳақиқат қилсин деб қўйилгансиз, ҳозир сизнинг ваколатингиз шу нарсаларни тақозо этади, деди яна: шундай хатолари бор экан, нега ҳужжатларни қабул қилдиларингиз, биринчи босқичда ҳам иккинчи босқичда ҳам ҳужжатлар қўлларингизда турди, комиссиянинг ҳамма аъзолари уни бирма-бир кўрди, нега ўшанда айтмадиларингиз, аввал ғолиб деб, кейин танловдан четлаштирганларингиз нимаси, деди. Буни қарангки, прокурорнинг тақдимномасини муҳокама қилиш мумкин эмас экан. Ваҳоланки, Сурхондарё вилоят хўжалик суди мазкур тафсилотни муҳокама қилиб **«... қайта ташкил этиш комиссияси Денов туман прокуратурасининг тақдимномасини асос қилиб, 15-сонли баённомани тузган, тақдимномани кўриб чиқиб муҳокама қилмасдан. И.Юсуповни танловдан четлаштиришга қарор қилган. Комиссия томонидан И.Юсуповнинг танловга сохта маълумотлар тақдим этганлиги аниқланмаган. Денов туман прокуратурасининг тақдимномасида ҳам И.Юсупов танловга тақдим этган ҳужжатларнинг сохталиги аниқ далил ва фактлар билан асослаб берилмаган, фақатгина тракторларнинг техник паспортлари асл нусхаларида техник жиҳатдан созлиги ҳақидаги белги «Давтехназорат» Денов туман бўлими томонидан қўйилмаган, бу ҳолат 2 та техник воситаси, формуляри нусхалари қалбаки эканлигидан далолат беради деб гумон қилинган, бироқ бу гумон текшириб кўрилмаган»**, деган хулосага келди.

Яна: **«... суд мажлисида сўралган Денов туман «Давтехназорат» инспекцияси бошлиғи З.Хидиров ... Иброҳим Юсупов 2006 йил 13 декабрь куни тракторларнинг созлиги тўғрисида техник белги қўйиб беришни сўраб мурожаат қилганлигини, тракторларнинг созлиги ва рақамларининг мослиги текшириб кўрилиб, нотариус томонидан тасдиқланган нусхасига ҳамда тракторларнинг техник талонига техника ва воситаларини кўрикдан ўтказганлиги ҳақида белги қўйилганлигини баён этиб, бу ҳолатларни тасдиқловчи далил сифатида техника воситаларини рўйхатга олиш китобини судга тақдим этди. Бундан кўринадики, И.Юсупов танловда иштирок этиш учун сохта ҳужжат тақдим этмаган.**

Яна: **«... И.Юсупов танловда иштирок этиш учун ёшга доир нафақага чиққанлигини яширмаган».** Яна ҳал қилув қароридан: **«Амалдаги қонунчиликда ёшга доир нафақага чиққан шахсларнинг ишлаши ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланмаган»**. И.Юсуповнинг ёшга доир нафақага чиққандан кейинги иш даври иш стажига қўшилмаган ва бу рейтинг балл кўрсаткичига мутлақо таъсир кўрсатмаган. «Вилоят хўжалик суди танловда ғолиб бўлган И.Юсуповни танловдан четлатишга комиссияга байроқ бўлган тақдимномани суд маж-

Кечагидай ёдимда, бундан уч-тўрт йил аввал «Бойсунга поезд келармиш», деган гаплар афсонага ўхшаб кетарди. Тоғ қишлоқларида истиқомат қилувчи кексаларнинг аксарияти: «Қумқўрғон томонлар текис, илгари ҳам Тангимуш қишлоғи томонда керамзит заводи қурилармиш, деб Қумқўрғон ёқдан темир йўл олиб келишмоқчи бўлишганди. Ўшанда, бу гапларнинг бари қоғозда қолиб кетган», дейишади. Тўғрида, шўро замонида ҳай-баракалла қабилида бошланган керамзит заводига ҳаттоки, пойдевор ҳам ташланмади. Қурилиши бошланган темир йўл эгасиз бўлиб қолди. Кимдир шпални уйига ташиди, кимдир кўтарма кран ёллаб, эгасиз қолган рельсларни бир кори ҳолимга керак бўлиб қолади, дея ҳовлисига бостириб қўйди. Ҳозир ҳам ана шу қишлоқларни ораласангиз тупроққа қоришиб ётган рельсларни кўрасиз...

Faxr

Биздан озод ва обод Ватан қолади

ТАРИХИМИЗ САҲИФАСИДА ОЛТИН ҲАРФЛАР БИЛАН БИТИЛАЖАК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ЮРТИМИЗ ҚУДРАТИ ВА ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ ТИМСОЛИДИР

Тоғни ёриб темир йўл ўтказишнинг ўзи бўлмайди

Энди бу ёғи, айниқса, Дарбанд тоғларидан Оқработ томон йўлга чиқсангиз, булут билан бўйлашиб ётган осмонўпар тоғларни кўриб, улкан қоялар бағрида фақат кийиклар юриши мумкинлигини тасаввур қилсангиз, темир йўл дегани нарёқда турсин, одам юрадиган сўқмоқнинг ўзи йўқлиги ҳам кишида ишончсизлик уйғотарди. Айниқса, Шўроб дарасидан Оқработгача бўлган баланд тоғлар бағридан баҳайбат тепловоз тортиб бораётган вагонлар худдиқи, эртаклардаги учар гиламларга хаёлан ўхшаб кетади...

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилиши Президентимиз ташаббуси билан бошланди. Узунлиги 223 километрни ташкил қиладиган ва унинг анчагина қисми баланд тоғларга кумуш камар бўлиб боғланиши... Эҳ, қанчадан-қанча машаққатли, жуда қийин, ҳар қандай инсон боласини лол қолдирадиган ҳайратли ишлар амалга оширилди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси ва «Ўзавтойўл» давлат концернининг қурувчилари денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда қудратли техникаларни ишлатишди. Мен сизга айтсам, озгина қон босими касаллигига чалинган киши, шундай баландликка ишлаш учун эмас, бир дам олиш орзусида чиқса кўзи ҳам тиниб, ҳушидан кетиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳар ҳолда баландлик ўз номи билан баландлик... Фараз қилинг, ана шундай баланд тоғларда «КамАЗ», «МАЗ» каби оғир юк машиналарини бошқарган ҳайдовчилар, экскаваторчи, бульдозерчилар... Экскаваторнинг айримлари йигирма тоннадан ошиқ...

Темир йўл қурилишида йил давомида 4 мингдан 5 минг кишигача қурувчилар ишлашди. Россия, Хитой, Япония, Беларусдан келтирилган 100 та «МАЗ», 41 та «КамАЗ» русумли машиналар, 61 та экскаватор, 63 та бульдозер, қўйингки, жами бўлиб 350 дан ошиқ техника-транспорт воситалари жалб этилди. Қишнинг қаҳратон совуғида, баҳорнинг серёғин кунларида меҳнат қилган инсонларга шу баланд тоғларни бошингга кўтариб ҳайқирганча, офарин дегинг келади.

Темир йўл бўйлаб бекатлар, кўприклар, сунъий қурилмалар барпо этилди. Қадимдан бир гап бор: Қаердаки, карвон йўли ўтса, ўша ерда ободончилик гуркирайди. Бойсуннинг Работ қишлоғида савлат тўкиб турган «Бойсун» бекати мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидаги бекатлардан кўриниши, замонавийлиги билан асло қолишмайди.

Энди бу жойлар обод бўлади.

Бу улкан қурилишнинг ишга туширилиши муносабати билан мамлакатимиз Президенти бойсунликлар билан учрашди, Юртбошимиз сўзлаган ёрқин нутқ ҳам тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолди.

Булар кечагина бир афсонага ўхшаб кетарди. Бугун эса бу воқеалар хотираларда абадий қоладиган ҳақиқатга айланган.

Биргина «Дарбанд» бекати ёнида 216 ўринга мўлжалланган, замонавий, кўркам, мамлакатда ягона ҳисобланган илм даргоҳининг қад кўтарганлиги ёки темир йўлчилар учун қурилган 28 та турар-жой бинолари, 120 ўринга мослаштирилган тарбия муассасалари, ўйингоҳ, соғломлаштириш масканлари. Эҳ, булар айтишга осон. Шу жиҳатдан ҳам «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилиши асримизнинг мўъжизаси деб баҳоланганлиги муболаға эмас.

Айни кунларда юк вагонлари қатнаб турган бу темир йўл қурилиши юртдошларимиз, қолаверса, кўшни тожикистонлик биродарларимизнинг узоқ йўлини 200 километрга қисқартиради. Камида олти соатлик вақтни тежайди.

Давлатимизнинг ҳар йили миллионлаб маблағини тежайди. Ҳозиргача наридан-бери ишлаб турган Тўда кўмир конининг қувватини юз баробарга оширади. Бу кўмир конининг довруғи дунёга танилади. Хонжизадаги тоғ тизмаларида ер ости бойликларини халқимиз равнақи йўлида фойдаланиш имкониятларига чексиз йўллар очади. Воҳамиз иқтисодиётини икки бараварга оширишга имкон яратади. Темир йўл бўйлаб ҳали очилмаган қўриқ бўлиб ётган ер ости бойликларидан фойдаланишга мўлжалланган заводлар ишга тушади. Минг-минглаб ишчи ўринлари яратилади.

Бу улкан ишлар одамларнинг турмуш даражаси янада яхшиланишига хизмат қилади, албатта.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tabiiy boylik

Энг қимматли, энг ардоқли...

Ер участкаси ажратиш учун доимий ишлайдиган комиссиялар мавжуд, дейишади. Умуман, ер участкаларини реализация қилиш жараёни қандай тартибда амалга оширилади?

А.ТОЖИЕВ,
Чуст тумани

уни авайлаш, асраш, авлодларга етказиш муҳим вазифамиздир...

Конституциямизда Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида бўлиши кўрсатилган.

Қонунчиликда ер участкаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ҳокимлар бошчилигидаги доимий ишлайдиган комиссиялар тузилган. Улар таркибига давлат кадастри ва ер тузиш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш, архитектура, санитария-эпидемиология хизмати органлари, фуқаролар йиғинларининг вакиллари ва бошқа шахслар киритилиши белгиланган.

Жойларда ер участкаларини реализация қилиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Масалан, Гулистон туман Деҳқонобод шаҳарчаси А.Яссавий маҳалласида яшовчи Г.Тошбоева Гулистон туман ҳокимига 2007 йил 5 июль куни якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратишни сўраб ариза билан мурожаат қилган.

Бу турдаги аризалар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарорига кўра ҳокимлар бошчилигидаги, махсус ваколатли комиссия томонидан ўрганиб чиқилиши ва тегишли хулосага келиниши лозимлиги белгиланган. Бироқ фуқаро Г.Тошбоеванинг аризаси туман ҳокимлиги мутахассиси томонидан ўрганиб чиқилиб, ариза муаллифига ўзининг доимий яшаш жойидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатувчи ер ажратиш бўйича комиссияга мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган. Ваҳоланки, қонунчиликда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларида ер бўйича комиссия фаолият юритмайди.

Ер кодексининг 45-моддасига асосан кадастр баҳоланишига кўра ўртача туман бонитет балидан 20 фоиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлади. Улар унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Бундай унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим. Уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги керак. Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун эса алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилиши белгиланган. Шундай бўлса-да, Гулистон туман ҳокимининг 2006 йил 9 сентябрдаги 408-сонли қарори билан жами 10,3 гектар, шундан 9,5 гектар 80 балл бонитетли, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган суғориладиган ерларни ғишт ишлаб чиқариш цехи қуриш ва ғишт ишлаб чиқариш учун тупроқ олиш карьери ташкил қилиш учун ажратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ер энг муҳим табиий ресурсдир, фуқаролар ҳаётий фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш лозимлигини унутмайлик.

Тоҳиржон САФАРОВ,
Адлия вазирлиги ходими

Тизим фаолияти

уни янада такомиллаштириш учун барча имкониятлар етарли

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришдек аниқ мақсад йўлида самарали фаолият юритмоқда. Айниқса, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун адлия органлари фаолиятини ташкил этиш асосида зарур ҳуқуқий механизм жорий этилганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда, Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга асос бўлган иккита ҳуқуқий меъёрий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти таҳлилига тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони билан мустақил Ўзбекистоннинг Адлия вазирлигига асос солинган эди.

Шунингдек, 2003 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 370-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилишдан мақсад — Адлия вазирлиги фаолиятини жаҳон андозалари талаб даражасида ташкил этиш эди. Табиийки, реал ҳаётда ўзгармас нарсанинг ўзи бўлмаганидек, мазкур қарор дастлабкисини ҳар томонлама такомиллаштирди.

Ушбу қарор тўғрисида гапирганда, албатта, унинг бугунги қонунчилигимизни такомиллаштириш талабларидан келиб чиққанлигини эътироф этиш жоиз. Чунончи, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ўз олдига инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни бош талаб сифатида қўйганлиги билан эътиборга молик.

Зеро, қарорда қайд этилганидек, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси этиб белгиланди. Негаки, ҳуқуқий давлат қуришда бир-бирини тўлдирувчи мазкур назарий ва амалий тушунчаларнинг аҳамияти юксак. Ҳуқуқий жамиятда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида доимий «ҳуқуқий механизм»ни яратиш долзарб масала. Қабул қилинган қарор айнан шу мақсадни назарда тутган.

Ушбу ҳужжатнинг аҳамияти тўғрисида фикр юритганда, адлия органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидан чиқарилиб, бевосита Адлия вазирлигига бўйсундирилганини айтиш ҳам ўринли. Зотан, Адлия вазирлиги тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимларнинг ташкил этилганлиги ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг яна бир кафолатидир.

Адлия вазирлиги зиммасига тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат этиш, жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш каби қатор вазифалар юклатилган. Бундан ташқари, судларни моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш каби муҳим вазифалар ҳам юклатилган.



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамиятимизда қонунчиликка кенг эҳтиёж сезила бошлади. Хусусан, адлия тизимини шакллантиришга зарурат туғилди. Ривожланган хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимини ўрганиш, юртимизда мулкчилик шаклини равнақ топтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ҳамда миллий қонунчилигимизни шакллантириш адлия тизимини янгидан ислоҳ қилишни талаб қиларди. Мазкур эҳтиёж боис, юқорида таъкидланганидек, 1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра, Адлия вазирлиги томонидан давлат ва хўжалик органларининг ҳуқуқий хизмат ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзларининг ҳуқуқ доирасида қабул қиладиган меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан экспертиза қилиш, вазирлик ихтиёрига ўтказилган масалаларга доир қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиб, уларни Олий Мажлиса тақдим этиш каби қатор масалалар адлия тизимининг бирламчи ўзига хос вазифалари этиб белгиланди.

Мамлакатимизда адлия тизимининг ривожига имкон туғдирувчи омиллар мавжуд. Айнан шу имкониятлар боис мазмун-моҳияти билан янги, мустақил, халқаро талаб даражаларига мос адлия тизими шаклланмоқда.

Шунингдек, у давр талаби билан ҳам боғлиқ. Янги жамиятга асос солингач, шубҳасиз, адлия тизимида талай ўзгаришларни вазиятнинг ўзи талаб қилди. Жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳамда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ органларининг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби муҳим вазифаларнинг давр талабидан келиб чиққани бор гап.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизни халқимиз турмуш тарзи, қадриятларидан келиб чиқиб ривожлантириш ҳам эътиборга моликдир. Адлия тизимини шакллантиришда омилларга суянилди. Натижада қонунларимизнинг таъсир доираси кенгайиб, фуқароларимизнинг қонунларга бўлган ишончи ортмоқда.

Адлия идоралари фаолиятининг сифатини оширадиган яна бир муҳим жиҳат — бу қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалий татбиқ этиш асосида иш олиб борилаётганлигида кўринади. Яъни иш самарадорлигини оширишнинг илмий ечимига эътибор қаратилаётгани ҳам мақсадга мувофиқ. Бу аслида, назария ва амалиётнинг мутаносиблиги, омухталашувидир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизни ва фуқаролик жамияти институтини шакллантиришда адлия идораларининг ўрни беқиёс.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси

ЯЙЛОВ!

лисида муҳокама қилиб, ана шундай хулосага келди.

Яна Яйловга қайтамиз, туман ҳокимиятигача етиб бормаган тендер комиссиясининг қарорига ишонадиган бўлсак, бу яйлов роппа-роса ўн уч кун И.Юсуповники бўлиб турди. 19 январь куни прокурорнинг тақдимномасига асосан И.Юсуповдан олинган заҳоти Зойиркул Шоймардоновга берилди. Қайтадан танлов ўтказиб ўтиришмади. Орадан бироз вақт ўтгач, тендер комиссияси раиси ва аъзоларининг қўлида турган ва кечаси билан ёд олинган меъёрий ҳужжатларга амал қилинадиган бўлса, З.Шоймардоновнинг нафақат танловда ғолиб бўлиши, ҳатто бу танловда иштирок этиши мумкин эмас экан. Ажабланарлиси шундаки, бу ҳақиқатни Икром Рамазонов бошлиқ тендер комиссияси эмас, четда томошабин бўлиб турган азаматлар аниқлашди. И.Рамазонов бу сафар негадир янглишганини тан олди ва деразага қараб ҳали ёшмиз, ҳеч ким хатоликлардан холи эмас, деганида ҳеч ким унга бу ерда хатолар содир этиш учун ўтирганингиз йўқ, демади.

И.Рамазонов ўша 19 январдаги 15-баённома учун ҳеч ким — на прокурор, на ҳоким, на бошқалар ҳеч нима демагани учун буни мукофот ўрнида қабул қилди. Шу тариқа бу... яйлов З.Шоймардоновга ҳам «вафо» қилмади. Орадан икки ҳафта ўтиб, бу яйлов бизга таниш И.Рамазонов ва комиссия аъзолари томонидан имзоланган 31-баённома билан Эркин Салимов деган ажойиб инсоннинг қўлига ўтди. Денов тумани ҳокими ҳам ўша 7 февраль куни сира ўйлаб ўтирмай, 744-қарорини чиқариб юборди.

Ўз навбатида Иброҳим Юсупов ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун шитоб билан ҳаракат қилаётган, бўлиб ўтган адолатсизликлар тўғрисида сан-саноқсиз идораларга шикоят хатлари жўнатиш билан бирга туман ҳокимлигининг қароридан норози бўлиб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилган эди. Қарангки, «ўзига ишонганроқ йигитлардан бири» Иброҳим Юсуповни четга чиқариб, жим юринг, масала ҳал бўлган, ҳамма рози, ҳамма билан гаплашилган. Яйловни аслида мен олаяпман, уёқ-бу ёққа югуришни тўхтатмасангиз, ўзингизга жабр қиласиз, шундай воқеалар бўладики, шунчаки оёқ остида қолиб кетасиз, деди. Иброҳим Юсупов бу валломатнинг лоф урмаётганини билса-да, қилар ишни қилиб қўйган, бунинг устига чекинишга йўл йўқ эди. Шунинг учун пешонада борини кўраверамиз-да, ука, деди.

Ҳозир Эркин Салимов тендер комиссиясига тақдим этган ҳужжатлардаги... чатоқликларни санаб ўтирмаймиз: ваколатли идоралар бундай ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш у ёқда турсин, ҳатто қайрилиб ҳам қарамаганлигини таъкидлаб кўя қоламиз.

Иброҳим Юсупов 23 январь куни Сурхондарё вилоят судига даъво аризаси киритган эди. Бу даъво 5 февраль куни 680-рақам билан кирим қилинди. Низо хўжалик судида кўрилаётган, жавобгарлар ажримдан хабардор қилинганига қарамасдан 1-48 лойиҳадаги яйлов тинчимади, ажойиб суръатлар билан қўлдан-қўлга ўтишда давом этаверди.

9 март куни вилоят хўжалик суди бу яйловнинг кимга берилиши тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди: даъво қаноатлантирилди!

Сиз Иброҳим Юсуповнинг кўчасида байрам бошланди, деб ўйлаётган бўлсангиз, андаккина янглишган бўласиз.

Одамзоднинг топқирлигига тулкининг тан бермаслиги барибир мени ҳайрон қолдиради: қаранг, яйлов ўз эгасини тополмай турган кезда вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган, лекин саноқли рахбарларгагина маълум сабабларга кўра ижро этилмаётганди... Ана шундай кунларнинг бирида Денов туман ҳокимлигига Сурхондарё марказий ўрмон хўжалигидан 10 май санаси билан 248-хатнинг келиши Иброҳим Юсуповдан бошқалар учун айни муддао бўлди. Хатда 1-48-лойиҳадаги яйловларда Зарафшон арчаси ўсади, доимий фойдаланиш учун ўрмон хўжалигига ўтказиб беришларингизни сўрайміз дейилган. Бу хат 18 май куни И.Рамазонов раис бўлган қайта ташкил этиш комиссиясининг йиғилишида муҳокама қилиниб, 32-баённома тузилди, 1-48-лойиҳа бўйича ўтказилган танлов комиссиясининг барча қарорлари бекор қилинди. Аммо, негадир вилоят хўжалик судининг 1-48-лойиҳа бўйича чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳеч кимнинг эсига келмади.

15 июнь куни Денов туман ҳокимининг 1368-қарори билан 1-48 лойиҳадаги яйлов ўрмон хўжалигидан қайтариб олинди, аммо шундан кейин ҳам яйлов Иброҳим Юсупов тасарруфига ўтмади.

31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди 1-48-лойиҳа атрофида юзага келган ҳолатларни кассация тартибида кўриб чикди ва...

Ихчамгина кўчирма: **«Судлов ҳайъати протестда кўрсатилган ушбу важлар билан келиша олмайди. Чунки, биринчидан 2001 йил 6 январда ўтказилган танловда ғолиб деб топилган И.Юсупов сохталаштирилган ҳужжатлар тақдим қилинганлиги исботлаб берилмаган.**

... Туман ҳокимлиги зиммасига «Аловуддин» фермер хўжалиги ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, «С.Отабоев» ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 6 январдаги 12-сонли баённомасини тасдиқлаш тўғрисида қарор чиқариш, «Аловуддин» фермер хўжалигига 1-48 лойиҳада кўрсатилган ер майдонини ажратиб бериш, «Аловуддин» фермер хўжалиги билан 1-48-лойиҳада кўрсатилган ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини тузиш мажбуриятини юклаш ҳақида тўғри хулосага келган».

... Мен бу қарор билан Иброҳим акани қутладим. Аммо таашаккур айтишга унинг мажоли етмади, кўзларидан ёш оқа бошлади. Менинг ҳам кўнглим бузилиб кетди ва ўзимни тўхтатолмай: «Ҳақиқат бор, аммо у кўчада ётмайди, унга эришмоқ учун ана шундай курашмоқ керак, дедим. Қолаверса, биз эгасиз юртда яшаётганимиз йўқ, айтинг, ўн олти йил илгари бундай курашларга киришганингизда, яъни район раҳбарини судга берганингизда сизни «палахмонга солиб отишар» эди, Аллоҳга шукур қилинг, тинчлигимиз, қонунларнинг барқарорлигига кафолат бўлган давлатимиз раҳбари бор. Инсон ҳуқуқи, қадри улуғланаётган даврдагина ҳақиқат қарор топишига ишонмоқ керак», деб Иброҳим акага далда бердим.

Улуғ БЕК,
«Инсон ва қонун» мухбири

Қашқадарёнинг Китоб туманига ташриф буюрсангиз, бу макондаги олам дарсхонаси мўъжизаларини кўриб, ҳайратга тушасиз. Туманнинг жануби-ғарбий Узунқир-Подаётоқ манзилгоҳлари қадим Кешнинг кўҳна тарихидан ҳикоя қилади. Туман марказига яқин айнан ер шари меридианининг 39-пареллелида жойлашган Китоб кенглик станцияси илмий ахборотлар асосида дунё аҳолиси ўз соатларини тўғрилаб олаётгани ҳам бор гап. Ҳазрати Султон Ота Ҳазрати Башир зиёратгоҳлари эса таъзим ва тавоф масканларидир. Бироқ, Китобнинг яна бир бетакрор мўъжизаси борки, бу эъзозли маконда ибтидоий ҳодисотлар, заминдаги иқлим ўзгаришлари, жуда қадим эралардан сўзлагувчи денгиз тубида яшаган тирик мавжудотларнинг тош қотган қолдиқларини кўриб, ҳайратланасиз.

Mo`jiza

«Тош китоб»ни варақлаганда

Дунёдаги ягона қўриқхоналардан бири юртимизда эканлигини англайсиз

Дунёда тенги ва ўхшаши йўқ бу маъво Зарафшон тоғининг жанубий ғарбида жойлашган **Китоб Давлат Геологик қўриқхонасидир**. Тоғлар қўйнига сочилиб кетган бир ҳовуч тилла тангалардай жойлашиб қолган Жовуз, Матмон қишлоқлари юқорисида Жиндарёнинг чап қирғоғи бўйлаб жойлашган бу қўриқхона — Зинзилбоғ кесмаси мавжудлиги билан ҳам бутун дунё геологик мерос объекти бўлиб, Халқаро мақомга эга.

Қўриқхона — Она заминнинг геологик тузилиш тарихини илмий асослаш, палеонтологик-стратиграфик объектларни режа асосида ўрганиш ва сақлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг расман фаолият кўрсатаётганига 28 йил бўлса-да, ундаги геологик қирқимлар палеонтолог олим А.Ким томонидан очилганига 50 йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида қўриқхона майдонидаги юқори ордовик, эрта ва кечки силур ва эрта, ўрта девон даври қатламларида 16 гуруҳ тошга айланган организмлар қолдиқлари аниқланди. 1989 йил 15 июлда Вашингтон шаҳрида доктор Оливарс (АҚШ) бошчилигидаги олимлар гуруҳи Ўзбекистондан келиб тушган материалларни ўрганиб чиқиб, Зарафшон тоғларидаги Зинзилбоғ кесмаси — халқаро эталон бўлади, деган қарорга келади ва собиқ иттифоқ тарихида биринчи бор Китоб геологик қўриқхонаси халқаро эталонга эга бўлади.

Қўриқхона директори, геология-минерология фанлари номзоди Ўткир Раҳмоновнинг эътирофига кўра, қўриқхонанинг умумий ер майдони 3938 гектар бўлиб, баланд тоғлар қўйнида, денгиз сатҳидан 1300-2650 метр юқорида жойлашган. Унинг ҳудудидан Оби Сафид, Хўжақўрғон, Зинзилбоғ, Навобоғ, Новиҳушк ва бошқа сойлардаги статиграфик кесмаларда 470-370 миллион йил бурунги ер тарихини ўрганиш мумкин. Ақлга сиғмайди, бугун ҳаммани ҳайратга солаётган осмонўпар чўққилар бир пайтлар денгиз тубида бўлган. Шунинг учун айнан шу тоғларда энг қадимий организмлар қолдиқлари топилган. Геологлар ана шу мўъжиза тош китобларни ўқиб, мозийнинг тошга айланган ёдгорликларини тилга киритмоқда. Очиқ ҳолдаги бундай тарихий обида Она заминнинг бошқа ҳудудларида деярли учрамайди, яъни дунёда Китоб қўриқхонасига ўхшаш иккита қўриқхона бўлиб, улар Франция ва Германияда жойлашган. Франциядаги қўриқхонада қатламлар орасидаги узилиш катта. Германиядаги қўриқхона эса усти трактор билан очилиб, қўргазма қилинган ва усти уйча қилиб ёпиб қўйилганига қарамай, унинг қатламлари нисбатан камбағаллашган.

Мутахассисларнинг фикрича, Китоб геологик қўриқхонаси 470 миллион йил аввал Тетис денгизи остида бўлган. Тетис денгизининг шаклланиши 50 миллион йил олдин бошланган бўлиб, бу жой ер юзида палеозой даврининг улкан денгизи сифатида тўлқинланиб турган. Бу денгизда яшаган организмлар ўлимидан кейин, сув тагига чўкиб, ётқизиқларга айланган, улар танасидаги тўқималар тезликда чириб, йўқолиб кетган. Лекин улар устидаги чиғаноқлар ва бошқа қаттиқ қисмлар қулай шароитда қотиб, тош қатламларга айланиб борган. Ҳозирги мавжуд ҳудудда палеозой эраси ўрта ордовикдан ўрта девонгача бўлган денгиз ётқизиқлари аниқланган бўлиб, улар неоген ва тўртламчи давр қатламлари билан қопланган. **Палеозой эраси ётқизиқларининг қалинлиги 4130 метрга етади. Улар қатида 110 турдаги маржон полиплар, 53 турдаги бўғимоёқлар ва 80 турдаги игна танлилар мавжудлиги аниқланиб, олинган намуналар махсус музейда сақланмоқда.**

Ҳозирги кунда қўриқхона илмий ходимлари (улар сони 11 нафар) ЭМС яруснинг фауналар комплексини мунтазам ўрганиб, зарур илмий ахборотлар тўплаб, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини асраш ва кўпайтириш, табиат муҳофазаси билан шуғулланмоқда.

Биз қўриқхонанинг Шаҳрисабз шаҳрида жойлашган бош офисида катта илмий ходим Елена Цмейрек ҳамда ўз касбининг фидойиси, биолог Рашида Карабалаева билан суҳбатлашдик. Р.Карабалаева 1980-2002 йилларда ушбу ҳудудда 119 турдаги умуртқали ҳайвонот турларини аниқлаб, уларнинг кўпчилиги учун экологик «тавсифнома» тузган. Ушбу қўриқхонанинг тирик табиат олами ҳам жуда бой ва ранг-баранг. Унда юксакда ўсадиган ўсимликларнинг 800 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, уларнинг 22 тури Ўзбекистон «Қизил Китоб»ига киритилган.

Айни пайтда нодир ва йўқолиш арафасида турган ўсимликларнинг 18 тури аниқланиб, уларни муҳофаза этиш чоралари белгиланган. 200 дан ортиқ доривор ўсимликларнинг шифобахшлик хусусиятлари ўрганилиб, тиббиётга тавсия этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсон боласи қўли билан яратилган мўъжизалар агар вайрон бўлиб кетса, уни қайта бунёд этиш мумкин, бироқ табиат (Аллоҳ) яратган мўъжизалар йўқ қилиб юборилса, уларни ҳеч қачон тиклаб бўлмаслигини сира унутмаслигимиз керак.

Иқтидорли ёш олим Ўткир Раҳмонов яна шуни таъкидладики, 2008 йилнинг 25 августида қўриқхонада Халқаро симпозиум ўтказиш учун жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу нуфузли илмий анжуманга ҳозирда дунёнинг 24 мамлакатидан олимлар иштирок



этиш истагини билдиришган. Мақсад — дунё олимларини қўриқхонанинг сўнгги, янги маълумотлари билан қайтадан ва жиддий таништириш, илмий ахборотлар алмашиш, қиёслаш, мавжуд ЭМСнинг иккинчи даврини ҳам қўриқхона ҳудуди кесмаларида халқаро эталон сифатида тан олинишини таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилган. Шубҳасиз, бу илмий анжуман ҳам ўз мақсадига эришади. t

Бозор РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

БИР ҲОВУЧ ДУР

МИЛЕТЛИК ФАЛЕС: ЭНГ ҚИЙИН ВА ЭНГ ОСОН НАРСА



Милетлик Фалес ўз замонасидаги етти донишманднинг бири бўлган. Айтишларича, Фалес шу донишмандлар ичида етакчилик қилган. У биринчилардан бўлиб табиат ҳақида фикр юритган. Куёш тутилиши унинг ой билан тўсилиши туфайли юз беришини биринчи бўлиб Фалес англаган, диаметр айланани тенг иккига бўлишини исботлаб берган. Фалес фалакиётшунослик билан ҳам шуғулланиб, қуёш тутилишини олдиндан айтиб берган.

Фалес Миср эҳромларининг баландлигини уларнинг соясига қараб ўлчаган. У ёлғизликда ҳаёт кечириб, давлат ишларига аралашмаган. Унинг қуйидаги асарлари маълум.

«Куёшнинг ҳаракати ҳақида».
«Тенгкунлик ҳақида».
Цицерон шундай гувоҳлик беради:
«Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчи эди».

Кўҳна қўлёзмаларда Фалеснинг хачири билан содир бўлган мана бу кулгили воқеа ҳикоя қилинади:

«Устига бир неча қоп туз ортилган хачир дарёни кечиб ўтаётганда бехосдан тойиб кетади. Натижада ивиган қоплардаги туз эриб, хачирнинг юки енгиллашиб қолади. Шундан сўнг хачир дарёдан кечиб ўтаётганида ҳар safар атайин сувга бир шўнғиб олишни одат қилади. Ниҳоят Фалес хачирнинг бу найрангини сезиб қолиб, унинг устига қум солинган қопларни ортишни буюради. Хачир ноилож айёрликдан воз кечиб, одатини тарк этишга мажбур бўлади».

***

Фалес шундай деб ёзади: Ҳамма нарсанинг ибтидоси сувдир.

Тангри ҳамма нарсадан кўҳнароқдир. Чунки у яратилмаган.

***

Ер сувда сузади.

***

Худонинг на ибтидоси, на интиҳоси бор. У — Коинотнинг тафаккури. Коинот жонли ва айни дамда илоҳиётга тўлиқдир.

***

— Энг гўзал нарса нима?
— Одам, чунки у Тангрининг маҳсулидир.
— Энг тез нарса нима?
— Ақл. У ҳамма нарсани ортда қолдиради.
— Ҳаммадан донороқ нарса-чи?
— Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради.
— Ҳамма учун энг умумий нарса нима?
— Умид. Чунки ҳеч вақоси йўқларда ҳам мавжуддир.
— Энг кучли нарса нима?
— Зарурият. Чунки у ҳамма нарсанинг устидан ҳукмронлик қилади.
— Энг қийин нарса нима?
— Ўзни англаш.
— Энг осон нарса-чи?
— Ўзгаларга маслаҳат бериш.
— Кимни бахтли санаш мумкин?
— Жисмоний соғлом, руҳий хотиржам ҳамда истеъдодини ўстира олган кишини.
— Бахтсизликка дош беришнинг осон йўли нима?
— Ғанимларнинг сенданда, ёмон аҳволга тушиб қолганига гувоҳ бўлиш.

Tashabbus

Янада кенг қулоч ёйсин...

Мамлакатимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан амалга оширилаётган хайрли ишлари санаб адоғига етиш мушкул. Яқинда Адлия вазирлиги масъул ходими Меҳрибон Аббосова шахсий кутубхонасидан ўрин олган 71 та дарслик, ўқув-услубий қўлланмаларни ТДЮИ қошидаги Академик лицей ўқувчиларига туҳфа этдики, бу жорий йилдаги эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди, десак муболаға бўлмайди.

— Биз саховатли, серҳиммат ва олижаноб халқ фарзандларимиз, — дейди, биз билан суҳбатда М.Аббосова. — Шахсий кутубхонамда мавжуд китобларни Академик лицей ўқувчиларига ҳадя этарканман, уларнинг беғубор нигоҳларидаги миннатдорчилик туйғуларини кўриб, қалбим фахру ифтихорга тўлди. Ўйлайманки, бу қўлланмалар ўқувчиларга юриспруденция соҳасини мукаммал эгаллашда жуда қўл келади. Очиғи, ушбу қўлланмаларни лицейга тақдим этаётганимдан ота-онам ҳам жуда мамнун бўлишди. — Ўзгаларга яхшиликни раво кўриш энг катта яхшиликдир, — дейишди улар. — Беҳисоб билимлар кони бўлган бу китоблардан ўқувчилар ҳам баҳраманд бўлишса нур устига нур бўларди. Мен келгусида ҳам ўқувчиларга бир қатор китоблар совға қилишни ният қилдим. Токи ўқувчи ёшларимиз бу китоблардан зарур билимларга эга бўлсинлар ва бу билимларни юртимиз равнақи йўлида сарфласинлар.

Ҳа, эзгулик ва саховатнинг поёни йўқ. Айниқса, атрофдагиларга илму зиё улашиш тенгсиз саховатдир. Шу маънода М.Аббосованинг ушбу тухфаси ҳам таҳсинга сазовордир. Истаймизки, бу каби ташаббуслар юртимиз бўйлаб янада кенг қулоч ёяверсин.

Дилфуза ИРГАШЕВА,
ЎДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Жаҳон адабиётининг атоқли намояндалари сафида немис шоири Иоганн Вольфганг Гётенинг ўз ўрни ва такрорланмас овози бор. Унинг лирик шеърлари, драматик асарлари икки асрдан буён дунё ошиқлари кўнглига севгининг қувончлари-ю, ширин азоблари билан ҳаяжон солиб келяпти. Унинг ўтли сатрлари жунжиккан қалбларга олов сочади, мудроқ ҳисларни, туйғуларни жунбушга келтиради. Шоир асарларининг бунчалар латофати, қудратининг манбаи нимада? У ҳам муҳаббатга ташна, севгига қул бўлганмикин?

Buyuklar muhabbati

ГЁТЕ ОРЗУ ҚИЛГАН САНАМ

Гёте ўсмирлик чоғидаёқ руҳонийнинг қизи гўзал Гретхенни севиб қолади. Барча расм-русумлар билан улар унаштирилиб қўйилади. Тўйга озгина вақт қолганида Гёте илмий унвон билан тақдирланади. У бундай бахтга — қишлоқнинг обрўли, эътиборли кишиси бўлиб қолишга ўзини лойиқ деб топади ва ҳаттоки қайлиғини ҳам ташлаб, шаҳарни шошилинч тарк этади.

У ўша 1772 йили Веймар шаҳрига келиб, адвокатга шогирд тушади. Бироқ суд биносига қадам босмайди. Асосий вақтини «Немислар уйи» деб аталмиш бинода ўтказишга ҳаракат қилади. Чунки уни бу ерга элчихона котибининг қайлиғи Лотге Буфф ипсиз боғлаб қўяди. Шоир котиб билан яқин дўст, шунга қарамай, унинг қайлиғига хуштор эди. Қиз ҳам бу қўркам йигитга кўнгли борлигини яширмасди. Дўсти Лотгега қилган хиёнатидан ўзини кечиролмаган Гёте дўстлари билан хайрлашмай кетиб қолади.

Гёте Франкфуртда яшар экан, банкирнинг мафтункор қизи Лили Шёнеман билан танишади. У кечқурунлари ой ёғдусида қизнинг уйи атрофида кезар, унинг ҳеч бўлмаса қомати соясини кўришни орзу қиларди. Гёте худди шу дамларда севги ҳақидаги энг сара асарларини яратади. Шундай оқшомларнинг бирида Гёте ўзи ёзган шеърни Лили хиргойи қилиб юрганини эшитиб қолади. Шоирнинг қалби гурсиллаб уради, қувончдан ўзини йўқотиб қўйиш даражасига етади. «Йўқ, бу ердан қочиш керак», — ўйлайди шоир. — «Кетиш керак». Гёте севгилиси висолига етай деганида бу шаҳарни ҳам тарк этади.

1775 йилнинг ноябр ойида у Веймарга қайтиб келиб, 18 ёшли герцог Карл-Август хизматига киради. Гёте герцогликда биринчи вазир лавозимида ишлайди. Давлат ишлари билан бўлиб шоир ижод учун кўп вақт ажрата олмайди. Орадан ўн йилча вақт ўтгач, у Италияга қочиб кетади. Бу ерда унинг руҳи, дили озодликка чиқади. Италияда Христиана Вильпиус исмли оддий ойланинг фарзанди бўлган қизга кўнгил қўяди ва кейинчалик унга уйланади.

Гётенинг мудом севгига ташна қалбига 1821 йилда Чехословакиянинг курорт шаҳарларидан бири Мариенбодда яна бир мафтункор қиз ўт ташлайди. 17 ёшли санам Ульрика фон Левецов билан 73 ёшли шоир бир-бирини қаттиқ севиб қолади. Улар уч йил бир-бирларининг висолига интилиб яшайдилар. Икки юрак ўртасида ёқилган муҳаббат олови кўпдан-кўп ғийбатлар, фисқу фасодлар ҳамда ғанимлар кўпайишига сабаб бўлади. Аммо ҳеч нарса уларни айира олмайди. Гёте умрининг шами сўнишига қарамай, қиз билан никоҳдан ўтишга интилади. Лекин унинг бу ҳаракатлари оила аъзоларининг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Ульрика ҳажрида азобланган Гёте қалб қийноқларини шеърга кўчиради. У умрининг сўнгги йилларида севгилисига бағишлаб «Элегия» номли шеърлар туркумини ёзади.

Гёте аёлларни ўзига мафтун эта олар эди. Унга кўплар хуштор бўлган. Немис адибаси Беттина фон Арнит уни шу қадар севганки, ҳатто суюкли кишиси билан учрашиш учун Веймар шаҳрида эркаклар либосини кийиб, унинг даргоҳига борган. У шоирга бўлган муҳаббати тарихини «Гётенинг гўдак билан ёзишмалари» асарида ифодалаган. Хуллас, машҳур шоирнинг муҳаббатга тўла ҳаёти ана шундай олатасир кечди. Бироқ, умрининг сўнгги дамларида ўзи орзу қилган санамни топди.

Иззат АҲМЕДОВ,
тайёрлади

Yo, alhazar

БОЛАДА НИМА ГУНОҲ?

Муаззамхон (исм-шарифлари ўзгартирилган)нинг шаддодлиги-ю, «бир қарич» тили борлигини ҳамқишлоқлари яхши билишади. Ана шу «фазилат»лари туфайлими ёки бошқа сабабми, турмуш ўртоғи Юнусжон билан қонуний ажрашган. Мунчоқдек қизлари Сайёра ҳам оилани асраб қололмаган.

Орадан йиллар ўтиб, Сайёранинг ҳам бўйи етиб қолди. У ташқи кўриниши қолиб, феъл-атвор бобида ҳам онасининг ўзгинаси бўлиб улғайди. Бу нарса Сайёра турмушга чиққач, секин-аста кўзга ташлана бошлади. Устига-устак Муаззамхон бўлар-бўлмасга қизи билан қуёвининг турмушига суқилаверишдан чарчамасди. Акрамжон бўлса қайнонасининг бу қилиғига нисбатан лом-мим деёлмас, фақат тишини-тишига қўйиб, сабр қилишдан ўзга чора тополмасди.

Ўша куни Акрамжон 4 ёшли ўғли Дониёрни хатна-суннат қилдирди. Бироқ у суннат тўйини катта тайёргарлик билан кейинроқ ўтказишни мўлжаллади. Шундай бўлса-да, қўни-қўшни, яқин қариндош-уруғлардан иборат ўн беш-йигирма чоғли одамга дастурхон ёзди. Аммо Сайёранинг отаси Юнусжон негадир бу маросимга етиб келолмади.

Юнусжон рафиқаси Холидахон билан набирасини кўргани келди. Улар дарвозадан киришаркан, Холидахонни кўриб, Сайёранинг бирдан авзойи бузилди. Шунданми, отаси билан ҳам совуққина салом-алик қилди.

— Узр, кеча келолмадик, — деди ота куёвига.

— Бу нима деганингиз, кеча бўлмаса, мана, бугун келдингизку, — қайнотасини хижолатдан қутқарди Акрамжон.

Шундан кейин Юнусжон ўзи олиб келган ўйинчоқларни набирасига тортиқ қилди. Сайёра эса меҳмонларнинг олдига дастурхон ёзиб, чой келтирди. Шу тариқа улар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди.

— Насиб этса, суннат тўйини келаси йил қилиб бераман, — деди Акрамжон гап орасида.

Бу гапни эшитиб, негадир Сайёранинг тили «қичиди»:

— Тўй қилишга сизнинг қурбингиз етмайди. Кечаги маросимга ҳам онам ёрдам бердилар. Дониёрнинг велосипедини ҳам онам берган пулга олдик-ку.

— Унақа дема, қизим, бундай хайрли ишлар яқинларнинг кўмагисиз ўтган эмас, — дея қизини тартибга чақирди ота.

Хотининнинг гапидан Акрамжон меҳмонлар олдида жуда мулзам бўлди. Натижада у меҳмон борлигига қарамай, Сайёра билан жанжаллашиб кетди. Албатта, Сайёранинг бу беодоблиги Юнусжон билан Холидахоннинг ҳам дилларини хуфтон қилди. Шу боис улар ёш эр-хотинга бир-икки оғиз насиҳат қилишди-ю, ортиқ ўтиролмай кетиб қолишди. Қайнотаси кетгандан кейин Акрамжон кўчадаги дўкондан бир шиша пиво олиб ичди. У уйга қайтганда онаси билан турмуш ўртоғининг даҳанаки жанжали устидан чиқди. Буни кўриб, Акрамжон бадтарроқ тутоқди.

— Сени ҳам, Дониёрни ҳам ўлдираман, — деди Акрамжон Сайёрага дастурхонда турган чойнакни ўқталиб.

Эрининг сўнгги сўзлари-ю, авзойидан Сайёранинг ўтакаси ёрилаёзди. У қўрқканидан ҳаллослаганча онасиникига чопди.

— Тез-тез юрақолинг, феъли жуда айнаб турибди, — деди Сайёра лаби лабига тегмай, — ўғлимни бир нима қилиб қўймасин тағин.

Муаззамхон йўловчи машинада куёвиникига жўнади. Йўл-йўлакай синглиси Башоратни ҳам ёнига олди. Улар етиб боришганда Акрамжон ҳали жаҳл отидан тушмаган, Эъзоза опа эса унга тинмай насиҳат қилаётганди.

Сайёранинг онаси қолиб, холасини ҳам бошлаб келгани Акрамжонни ғазаблантирди. У шошиб айвонга чиқди-ю, токчада турган болтани қўлига олди.

— Агар олиб кетадиган бўлсанг, сенга ҳам бола йўқ, менга ҳам.

Акрамжон шундай дея ичкарига кирди ва ширин уйқуда ётган Дониёрнинг бўйни ҳамда кўкрак қафасига бир неча марта болта урди. Буни кўрган Сайёра дод солганча эрига ташланиб, унинг қўлидан болтани тортиб олди. Қараса, боласининг тиғ еган баданидан қон сувдек отилиб чиқяпти. Шунда у болтани қўйиб, Дониёрни даст кўтарди-да, ўзлари келган машинага олиб чиқди.

Ҳайдовчи зудлик билан уларни Кўқон шаҳар марказий шифохонасига олиб борди. Шаҳарнинг тажрибали шифокорлари дарҳол ишга киришишди. Улар Дониёрни 5 соатдан кўпроқ вақт мобайнида операция қилиб, ҳаётини сақлаб қолишди. Буни қарангки, болта зарбидан бечора гўдакнинг йирик қон томирлари қаттиқ шикастланган, айримлари узилиб кетган экан.

Шундан сўнг қўли қонга ботган Акрамжоннинг ўзи Фурқат туман Ички ишлар бўлимига бориб, қонун ҳимоячиларини воқеадан хабардор қилди.

Суд мажлисида кўрсатма берган Сайёра Дониёрнинг тўлиқ тузалиб кетганлигини, шу боис Акрамжонга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди. Бироқ қонун ҳар қандай жиноятчининг қилмишига яраша жазоланишини тақозо қилади. Шундай экан, А.Нурматов ҳам жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг ҳукмига биноан қонуний жазога тортилди.

Акрамжон-ку, қонуний жазосини олди. Вақт-соати етиб, у жазо муддатини ўтаб қайтади ҳам. Лекин Дониёрнинг баданидаги жароҳатлар ўз асоратини қолдирмаслигига ким кафолат бера олади? Энг асосийси, болакайнинг қалб яраси энди тузалармикин? Хўш, отаси ва онасининг ўрталаридаги жанжалда мурғак болакайнинг гуноҳи нима эди?

Мўминжон ОБИДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг судьяси,
Хуршид СУЛТОНОВ
«Инсон ва қонун» мухбири

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2007 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи — 2 ўрин;
12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ — 1 ўрин;
12.00.03 — Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ — 2 ўрин;
12.00.06 — Қишлоқ хўжалиги; ер, сув, ўрмон ва тоғ-кон ҳуқуқи; экологик ҳуқуқ — 2 ўрин;
12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноят ижроия ҳуқуқи — 2 ўрин;
12.00.09 — Жиноят жараёни; криминалистика ва тезкор-қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси — 1 ўрин;
12.00.10 — Халқаро ҳуқуқ — 1 ўрин.

Ҳужжатлар 2007 йил 15 октябргача қабул қилинади.

Ҳужжат топширувчилар танланган мутахассисликлар бўйича 20 бетдан кам бўлмаган ҳажмда реферат топширишлари лозим.

Кириш имтиҳонлари танланган мутахассислик бўйича, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, чет тиллари (инглиз, немис ёки француз)дан иборат бўлади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент ш, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш бўлими.
Тел: 133-45-69, 133-66-36 (113, 213)

ЭЪЛОН!

Навоий вилоят адлия бошқармаси Учқудуқ туман давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Навоий вилоят адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38, 223-95-90

Қашқадарё вилоят Ғузор туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Аҳмадга Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 24 июнда берилган КС-000033 рақамли лицензиянинг амал қилиши Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 18 августдаги 9/4қ-сонли қарорига асосан тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатуре бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 05 сентябрь кунги қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «Боғишамол» адвокатлар ҳайъатининг адвокати Мирзаев Қўлдош Данабаевич номига бошқарма томонидан 2005 йил 27 июл куни берилган SA 000548 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати 3 ойга тўхтатилади.

Адлия вазирлиги жамоаси Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Ижро этувчи директори Найим Абдурахимовга онаси
Мисаллам ая Жумановонинг
вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Адлия вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Юсуфбай ХАДЖАЕВга қизи
Гўзалнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Адлия вазирлиги жамоаси Наманган шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус
Неъматилла Ҳамидуллаевнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Махмудов Лазизжон Мирзаевич
Содиқов Хуршид Махмасиддиқович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Шукур СОДИҚ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-815. Тиражи — 8120. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.30 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65,
Факс: 133-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4